Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 155 (7295). 14 август, 1980 йил ПАЙШАНБА Баҳоси 2 тийин.



ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети давлатга сабзавот ва мева маҳсулотлари, картошка сотиш бўйича районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 11 августгача бўлган якунини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Янгийўл районида** (район партия комитетининг секретари Л. Ш. Алиқулова, район ижроия комитетининг раиси Н. М. Шубладзе, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси С. Шамсиев, район комсомол комитетининг секретари Ғ. Қўчқоров, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи В. П. Еремеев, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича давлат бош инспектори Қ. Назаров ўртоқлар) қолдирилди. Бу районда давлатга сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик планини 31,5 процент, картошка — 44,3 процент, ҳўл мева — 45,4 процент, узум — 7 процент, полиз маҳсулотлари — 32 процент бажарилган ҳамда август ойининг биринчи ўн кунлигида давлатга сабзавот маҳсулотлари сотишда йиллик планга нисбатан 4 процент, картошка — 5,3 процент, ҳўл мева — 7,4 процент, узум — 5,2 процент, полиз маҳсулотлари — 21,9 процент ўсишга эришилган.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бекобод районидаги «Победа» колхозига** (раиси А. Деҳқонов, партия комитетининг секретари Б. Ўталов, касаба союз ташкилотининг раиси М. Пармонов, комсомол комитетининг секретари Шойбеков, бош агрономи А. Қурбонов ўртоқлар) берилди. Бу колхозда давлатга сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик планга нисбатан 300 процент, ҳўл мева эса 15,5 процент ўсишга эришилган.

Байроқ Бекобод районидаги Ленин номли колхозидан олиб берилди.

Область план бўлимига Бўстонлиқ ва Янгийўл районларига, Оржоникидзе районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозига, Бекобод районидаги «Победа» колхозига ишлаб чиқариш илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ҲОСИЛ ЗАРГАРЛАРИ

ПАХТА — ҚУЁШ ВА СУВ фарзанди. Чигит замин сийнасида нишь уриб, мурғак ниҳоллар қўшқулоқларини ғўрсатишн биланоқ офтобга талпинишади. Уларнинг бўйига-бўй қўшиш, қўйни-қўйнини ҳосилга тўлдириш учун оби-ҳаёт ҳаводек, қуёш тафтидек зарур. Шу боисдан деҳқонлар сувни ғўзанинг қони дейишадн. Сувчиларни эса ҳосил заргарлари, деб таърифлайдилар.

Ҳозир белга урадиган, шохларига маржон-маржон яшил ҳамда тиш очаётган кўсаклар тақкан ғўзаларга завқ билан тикилган киши дастлавал сувчига офарин дейди. Зеро, пахтазорга бу чиройни бахш этишга, ғўзаларни ҳосилга бурқашга энг катта ҳисса қўшаётган улар ва дала гвардиячилари — механизаторлардир.

Ҳа, сувчи ва механизаторлар бу йил бепоён далаларда етиштирилаётган мўл ҳосил меъморларидир.

Бу йил сувчиларга алоҳида жонбозлик ва фидойилик кўрсатишга тўғри келди. Саратон жазирамасидан ҳамма ўзини соя-салқинга олишга шошилган кезларда ҳам улар елкаларини қуёш тиғига қалқон қилиб, очиқ дала қўйинда бўлдилар. Ҳар туп ғўза оби-ҳаётга қонниши учун ёзнинг узоқ кунини қисқа тунларга улаб, кечалари мижжа қоқмай эгатларга оби-ҳаёт етакладилар. Ғўза ниҳоллари нафақат сувга, балки сувчиларнинг пешона терларига ҳам қонганликлари учун ана шундай серавж ва серҳосил бўлиб ривожланмоқда.

Раҳмонбердн Турдибоев ҳам ёз бўйи мардлар майдонига айланган пахтазорда меҳнат жасорати кўрсатаётган минглаб дала заҳматкашларидан биридир. У Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхознинг Абдуҳолиқ Пўлатов бошлиқ бригадаси пахта далаларига сув тараяпти. Бригада аъзолари 104 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш юзасидан олган мажбуриятларига яраша ҳосил тўпламоқдалар. Бунда тажрибали сувчи Раҳмонберди Турдибоевнинг хизматлари катта бўлаяпти. У шу кунларда ҳам пахтазорларга сув тарамоқда.

Э. МАДИЕВ.

Суратда: моҳир сувчи Р. Турдибоев.

А. Абалян фотоси.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ОҚҚЎРҒОН. «Оққўрғон» совхози пахтакорлари ҳосил теримига қизғин ҳозирлик кўраётирлар. Ҳозирнинг ўзида хўжаликдаги мавжуд 73 пахта териш машинаси, 35 транспорт трактори ва бошқа техника воситалари ишга шай қилиб қўйилди. Йўл ва кўприкларни, хирмонларни тартибга келтириш ҳам ниҳоясига етмоқда.

Совхоз коллективи ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида давлатга 12,5 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олган. Бу ҳосилнинг асосий қисми машиналарда терib олинади.

П. ЭРГАШЕВ.

●

ҒАЛАБА. Свердлов номли колхозининг Қ. Сандоқиев бошлиқ бригадаси коллективи съездолди йилида пахта ҳосилдорлигини 45 центнерга етказиш юзасидан янги, оширилган мажбурият қабул қилди. Пахтакорлар бу улуғ аҳдларига вафо қилиш учун ғўза парваришини жадал давом эттирмоқдалар. Ҳозир қатор ораларига олтинчи ишлов бериш тугалланмоқда. Ғўзани оби-тобида культивация қилишда моҳир механизатор Саттор Музаффаров айниқса жонбозлик кўрсатаётир.

Дала гвардиячиси «зангори кема»сини ремонтдан чиқариб, мавсумга тайёрлаб қўйган. Бу йил у машинаси билан камида 150 тонна пахта теришга сўз берди.

С. МУСТАФОЕВ.

●

ЧИНОЗ. Энгельс номли колхозининг Б. Суханова бошлиқ бригадаси пахта далаларини «Сифат белгиси» безаган. Пахтакорлар ғўза парваришини юксак агротехника қоидалари асосида ташкил этиб, хўжалик бригадалари ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Улар ҳозирнинг ўзида ҳар туп ғўзада 10—12 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилишга эришганлар.

Илғор бригада коллективи КПСС XXVI съезди шарафига зарбдор вахтада туриб, бу йил пахта ҳосилдорлигини 45 центнерга етказишга аҳд қилишган.

Х. ШЕРОВА.

●

Шунингдек, Н. Абдурасулов, Х. Асроқулов, С. Султонов, С. Деҳқонов, Ғ. Умаровлар ҳам редакциямизга дала ва фермаларда олиб борилаётган ишлар тўғрисида ёзиб юборганлар.

ТЕРИМНИ КЎЗЛАБ

УСТА ПАХТАКОР Жўра Далабоев қарийб 20 йилдан бери бригадирлик қилади. Бригадага қарашли пахта майдонларнинг ҳар бир қаричи, бу майдонларнинг шароити унга яхши таниш. Жўра ака эрта баҳорда, саратон жазирамасида ҳам, саҳоватли куз ойларида ҳам дала кезади. Доим мўл ҳосил етиштириш ташвишида бўлади.

Бу кун ҳам бригада бошлигини далада учратдик. У сувчилар билан қайси пайкалларга сув тараш тўғрисида маслаҳатлашаётган экан.

— Бу йилги режаларимиз улкан, — деди бригадир саволимизга жавобан. — 88 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштиришни кўзлаганмиз. Шунга яраша ҳосил тўплаш учун ғўза парваришини пахта очилгунча давом эттирамиз. Шу кунгача ғўзалар 4 марта сугорилди. Сугориш билан культивация орасида узилиш бўлишига йўл қўймаяпмиз. Ғўзалар машина теримига мослаб парвариш қилинмоқда.

Ҳосилга-ҳосил қўшишда бригада механизатори Абдураим Маматқуловнинг ҳиссаси катта. У ғўза қатор ораларини сифатли культивация қилаётир. Дала гвардиячиси қатор ораларига ишлов беришда бирор туп ғўзага ниқаст етказмасликка астойдил ҳаракат қилади.

А. Маматқулов ўтган йилги мавсумда «зангори кема»си бункеридан хирмонга 220 тоннадан ортиқ «оқ олтин» тўкиб, район механизаторлари ўртасида энг юқори кўрсаткичга эришди. Бу йил у ўтган йилдагидан ҳам кўпроқ пахта теришни мўлжаллаяпти. Бунинг учун у ғўзаларни машинабоп қилиб парвариш қилишга алоҳида эътибор бераётир.

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг Абдуназар Шамшиев, Файзулла Нарзуллаев, Зикир Хўжабеков, Худойқул Пардаевлар бошлиқ бригадаларида ҳам ғўза парваришида суръат ва сифатга катта аҳамият берилаётир. Шу туфайли ғўза шохларида ҳосил нишоналари кўпаймоқда.

Ҳадемай бу бўлиқ кўсаклар чамандек очилади. Шунинг учун колхозда ғўза парвариши бўшаштирилмаганлиги ҳолда ҳосил йиғим-теримига тайёргарлик ишлари ҳам кучайтириб юборилган. 30 дан ортиқ пахта териш машиналари ремонт қилиниб, ишга шайланди. Йўллар, кўприклар, хирмонлар, тош-тарози хўжаликларини тартибга келтириш ҳам ниҳоясига етмоқда. Хўжалик механизаторлари далаларда КПСС XXVI съезди шарафига ҳар гектар ердан 37 центнердан хирмон кўтариб, давлатга 6400 тонна пахта сотиш юзасидан олган мажбуриятларига яраша ҳосил тўпламоқдалар. Ҳозир қатор ораларига олтинчи ишлов бериш тугалланмоқда. Ғўзани оби-тобида культивация қилишда моҳир механизатор Саттор Музаффаров айниқса жонбозлик кўрсатаётир.

Дала гвардиячиси «зангори кема»сини ремонтдан чиқариб, мавсумга тайёрлаб қўйган. Бу йил у машинаси билан камида 150 тонна пахта теришга сўз берди.

С. МУСТАФОЕВ.

●

ЧИНОЗ. Энгельс номли колхозининг Б. Суханова бошлиқ бригадаси пахта далаларини «Сифат белгиси» безаган. Пахтакорлар ғўза парваришини юксак агротехника қоидалари асосида ташкил этиб, хўжалик бригадалари ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Улар ҳозирнинг ўзида ҳар туп ғўзада 10—12 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилишга эришганлар.

Илғор бригада коллективи КПСС XXVI съезди шарафига зарбдор вахтада туриб, бу йил пахта ҳосилдорлигини 45 центнерга етказишга аҳд қилишган.

Х. ШЕРОВА.

●

Шунингдек, Н. Абдурасулов, Х. Асроқулов, С. Султонов, С. Деҳқонов, Ғ. Умаровлар ҳам редакциямизга дала ва фермаларда олиб борилаётган ишлар тўғрисида ёзиб юборганлар.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Бўстонлиқ сут заводи коллективи КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқда. Бу яхши самара бераяпти. Азамат ишчилар ўнинчи беш йиллик планини шараф билан бажардилар.

Меҳнатсеварлар беш йиллик бошидан буён 12537 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишди. 12793 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу давр мобайнида корхонада аҳоли истеъмоли учун 55446 тонна серқаймоқ сут маҳсулотлари етказиб берилди.

Эришилган муваффақият ишчиларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Завод коллективи йил охиригача яна пландан ташқари 1400 минг сўмлик сут маҳсулотлари реализация қилиш, 5000 тонна сут маҳсулотларини аҳолига етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

ҲАМ ДОН, ҲАМ ОЗУҚА

Энгельс номли колхоз маккажўхорикорлари Ғалаба районида биринчилар қаторн «қаҳрабо дон»ни йиғиштириб олишга киришдилар. Жалгасбек Омонбоев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси коллективи бутун куч ва имкониятларини етиштирилган ҳосилни несобуд қилмай тезроқ йиғиштириб олишга қаратмоқда.

— Дон ҳосилини йиғиштириб олишда моҳир комбайничимиз Юрий Мироненко гайрат кўрсатаяпти, — дейди бригада бошлиғи. — У кунлик топшириқни бир ярим ҳисса қилиб бажараяпти. Шу кунларда Юрий ҳамкасбларн В. Орлов ҳамда Хон Сен Кимлар билан кунига 12 тоннадан ошириб «қаҳрабо дон» йиғиштириб олаяпти. Транспорт трактори механизатори О. Давронбеков эса дон тўла прицепларни пешма-пеш хўжалик омборига элтмоқда.

Аҳил коллектив бултур ҳар гектардан 100 центнердан маккажўхори дони йиғиштириб олган эди. Комсомол-ёшлар ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида бу кўрсаткични 103 центнерга етказишга аҳд қилганлар. Маккажўхоризорларда бу аҳдга яраша мўл ҳосил тўпланган. Ҳар тупда икки-учтадан донга тўла бўлиқ сўталарни кўрасиз. Бу фидокорона меҳнат самарасидир.

Маккажўхоридан мўл «қаҳрабо дон» олиш билан бирга чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳам етиштирилмоқда. Ҳозир кунига чорвачилик фермаларига 150 тоннадан ошириб кўпоя етказиб бериб, улардан силос тайёрланаётир. Бригада коллективи мавжуд майдонларнинг ҳар гектаридан 350 центнердан ҳосилни олишни ҳам мўлжаллаб турибдилар. Маккажўхори билан қўшиб экилган давлари яхши ривожланаяпти.

Н. ЎТЕГЕНОВ.

ТЕЛЕТАЙП ЁНИДА 24 соат

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

СОФИЯ, 13 август. (ТАСС мухбири). Болгариянинг Перник округ марказига яқин ерда жойлашган Темелководаги Б. Коларов номли цемент заводида янги технология линияси ишга тушди. Болгар мутахассисларининг машина-ускуналарни монтаж қилиш ва ишга туширишда кўмаклашган совет ҳамкасблари уларнинг меҳнат малакаси қувончини баҳам кўрдилар.

Болгариянинг СССР билан цемент ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлиги бир неча йилдан буён давом этмоқда. Совет Иттифоқининг ёрдами билан БХРнинг энг йирик саноат марказларидан бири бўлган Девнен пластмасса кислигида цементнинг юқори сифатли маркаларини ишлаб чиқарадиган завод қурилди. Бултур шу ерда олтинчи линия ишга туширилган эди. Бу линия корхона қувватини бир йилда 2,2 миллион тонна маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига етказиш имконини берди.

ЯНГИ КОН

БЕЛГРАД. (ТАСС). Сербиянинг шарқидаги Босилеград шаҳри яқинида бой фосфорит кони очилди. Унинг запаслари 100 миллион тоннага бориб қолади. Ҳозир бу ерда кон қуриш учун янги манбани техника-вий-иқтисодий жиҳатдан асослаш ишлари олиб борилмоқда. Бу конда ҳар йили 3,5 миллион тонна руда қазиб чиқариладиган бўлади. Ҳозирги вақтда Югославия фосфоритни чет эллардан олмоқда.

БИРДАМЛИК МУСТАҲКАМЛАНСИН

ХЕЛЬСИНКИ. (ТАСС). Бинокорлик ва ёғочсозлик саноати ҳамда қурилиш материаллари саноати меҳнаткашлари касаба союзлари халқаро бирлашмасининг бош секретари Вейко Поркқала жаҳондаги тараққийпарвар кучларга мурожаат қилиб, уларни Сальвадор ватанпарварлари билан бирдамликни мустаҳкамлашга даъват этди. У бу ерда эълон қилинган баёнотда Сальвадор халқи Америка империализми қўллаб-қувватлаётган маҳаллий олигархияга ва ҳукмрон ҳарбий режимга қарши қатъий курашга отланганлигини таъкидлади. Сальвадор халқи билан бирдамлик, деб таъкидлади В. Поркқала, ер юзидаги барча соф виждонли кишиларнинг бурчидир.

ХУА ГОФЭН ТАН ОЛДИ

ПЕКИН, 13 август. (ТАСС). ХКП Марказий Комитетининг давлат ва жамоат муассасаларида илиб қўйилган «Мао Цзэдун портретлари ва унинг гаплари ёзилган стендлар сонини чеклаб қўйиш» ҳақидаги қарори тўғрисида Синьхуа агентлигининг хабари бу ерда эълон қилинди.

Айни вақтда Синьхуа агентлиги ХКП Марказий Комитетининг раиси Хуа Гофэннинг Югославияда чиқадиган «Внесник» газетасида эълон қилинган суҳбати текстини ҳам тарқатди. Хуа Гофэн бу суҳбатида ХКП «маданий революция» даврида «оғир ва жиддий хатолар қилди» ва Мао Цзэдун ўша даврда партиянинг раиси сифатида бу хатолар учун жавобгардир, деб тан олади.

САЛЬВАДОРДАГИ ВОҚЕАЛАР

МЕХИКО. (ТАСС). Католик черковининг хабар беришича, Сальвадорда ўтган етти кун ичида 200 дан ортиқ киши ўнглар террорининг қурбони бўлган. Революцион-демократик фронтнинг чақириғи билан 13—15 августда умуммиллий забастовка ўтказиш мўлжалланган эди. Шу забастовка арафасида репрессиялар гоят кучайтириб юборилди.

Сальвадор меҳнаткашлари миллий касаба союз федерациясининг Бош секретари Эктор Бериабе Ресинос Мексикада чиқадиган «Уно Мас Уно» газетасида босилган суҳбатида бундай деди: халқ фашист муттаҳамларга муносиб зарба беришга аҳд қилган. Ана шу муттаҳамлар ишчи кварталларида забастовка вақтида «хунрезлик қилиш» билан таҳдид этмоқдалар. Забастовка, деб таъкидлади у, халқ қўзғолонига тайёргарлик йўлидаги биринчи қадам бўлади.

ДАЪВАТКОР ПЛАКАТЛАР

Цехларга кириб бораётган ишчилар корхона ҳовлисидаги ойнаванд стендга осилган рангдор плакатларга бир назар ташлаб қўйишади. Плакатларнинг бирида чирчиқлик ўн иноаторнинг партиямиз XXVI съезди шарафига олган социалистик мажбуриятлари акс эттирилган.

— Коммунист сифатида тўла қувват билан ишлашни ўз бурчим деб биламан, — деб ёзади 1-пойафзал фабрикаси ишчиси, шаҳар партия комитетининг аъзоси Раҳим Ҳакимов. — КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада актив иштирок этиб, 1980 йил планини июнь ойидаёқ бажариб қўйдим. Съезд очиладиган кунгача 1981 йилнинг тўрт ойлик планини бажариш мажбуриятини олдим.

«Промтехмонтаж» бошқармаси электр пайвандчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Погребовнинг ҳиммати яна ҳам балланд. Моҳир пайвандчи беш йиллик марросидан олдинроқ ўзиб кетган. Шу кунларда 1982 йил ҳисобига меҳнат қилаяпти. Съезд арафасида унинг меҳнат календарида 1983 йил бошланади. Айни пайтда у икки шогирдга ўз ҳунарини ҳам ўргатаяпти.

Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қийин эриладиган металлар комбинати ишчилари ўз ҳамшаҳарлари бошлаган ташаббусга қўшилиб, яқинда янги марраларни белгилаб олдилар. Улар йиллик планни Улуғ Октябрнинг 63 йиллигига байрамига адо этишга, қўшимча юзлаб минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга, пландан ташқари 150 минг сўмлик фойда олишга сўз бердилар.

Комбинат аҳли айни пайтда иқтисодий тежамкорлик режимини кучайтиришга ҳам интилмоқда. Ёрдамчи материаллар ва энергетика ресурслари сарфиётини камайтириш ҳисобига улар йил давомида 5,3 миллион киловатт соат электр энергияси, 6 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, минг тонна шартли ёқилғини иқтисод қилиш мажбуриятини олдилар.

Комбинатда комплекс социал ривожлантириш плани ҳам муваффақиятли бажарилаяпти. 3,5 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчи сиёсий маориф ва иқтисодий таълим системасида билим олаяпти. 880 ишчи эса иккинчи касбни эгаллаб, ўз маҳоратини ошираяпти.

Плакатларнинг яна бирида КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олишга отланган илғор меҳнат коллективлари ҳаётидан ҳикоя қилинади. Плакатда «Промтехмонтаж» бошқармаси монтажчилар бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мажид Абдурашидов, «Ўзбекхиммаш» заводи темирчилик-пресслаш цехи темирчилар бригадасининг бошлиғи Мардон Ҳамдамов, трансформатор заводи трансформатор подстанцияларини комплектлаш цехи бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Антонина Дугина ўртоқлар раҳбарлик қилаётган коллективлар ҳаётидан фотолавҳалар ва уларнинг мажбуриятлари келтирилган.

Мажид Абдурашидов бошлиқ бригада аъзолари ҳозир капролактам комплекси қурилишида фидокорлик кўрсатяпти. Коллектив партиямиз XXVI съезди шарафига бошланган мусобақага биринчилар қатори қўшилиб 1980 йил планини Улуғ Октябрнинг 63 йиллигигача бажаришга сўз берган. Ҳозирги кунда ҳар бир монтажчи топшириқни 180 процентга етказиб адо этмоқда. Улар иш давомида янги-янги таклифлар билан чиқмоқдалар. Бинобарин, мажбуриятда ҳам рационализаторлик таклифларини амалга ошириш ҳисобига минг сўмлик иқтисодий фойда кўриш, 500 тонна металлни тежаб қолиш кўзда тутилган.

Ташаббуснинг қаноти бўлади, деб бежиз айтишмайди. Меҳнат коллективлари бошлаб берган ватанпарварлик ҳаракати шаҳардаги барча корхоналар бўйлаб кенг қулоч ёймоқда. Плакатларнинг бири «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси 3-цехида меҳнат қилаётган Михаил Васильевич Гончаров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси меҳнат фаолиятига бағишланган. Бригада аҳли ўнинчи беш йилликни муддатидан олдин бажариш, партиямиз съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш юзасидан бошланган мусобақага биринчилар қатори қўшилди. Улар ўтган йилда ҳам ажойиб ютуқларни қўлга киритишган эди. Мавжуд резервлардан унумли фойдаланиб, топшириқдан ташқари 20 минг тонна аммиак селитраси ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдилар.

Бу йил кимёгарлар яна ҳам юксак мажбуриятлар олган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Улар ўз имкониятларини қайта ҳисоблаб чиқиб, йиллик планни 9 декабргача адо этиш ва қўшимча 6 минг тонна аммиак селитраси ишлаб чиқариш учун кураш бошладилар. Съезд очиладиган кунгача эса яна қўшимча 800 тонна минерал ўғит ҳосил қилишади.

Ёшлар КПСС XXVI съезди делегати, бирлашманинг собиқ ишчиси Нина Михайловна Гузенкони ўз сафларига қабул қилганлар. Улар Нина Михайловна нормасини ҳам бажариб, тушган маблағни беш йиллик фондига ўтказмоқдалар.

Бригада комсомол-ёшлар коллективи деб аталса-да, тажрибакор новаторлар бу ерда оз эмас. Улар йил давомида уч кишига аппаратчилик касбини, тўрт кишига эса қўшимча касбни ўргатишга қарор қилганлар. Тажрибакорлар ваъдага вафо қилиб, янги қабул қилинган ёшларга кунт билан ҳунар ўргатмоқдалар, маҳоратларини оширмоқдалар.

Бирлашма партия комитети М. Гончаров бошлиқ коллектив ташаббусини маъқуллаб, бу ҳаракатни корхона бўйлаб кенг ёйишни тавсия этди. Ҳозир бутун-бутун цехлар илғор коллективга надом бўлмоқда. Бор имкониятлар ишга солиниб, қўшимча қўплаб минерал ўғитлар ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги кунда «Электрохимпром» бирлашмаси меҳнаткашлари съезд шарафига бошланган зарбдор вахтада туриб, йиллик планни 26 декабргача адо этиш, қўшимча 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашмоқдалар.

Кимёгарлар йил бошида қўшимча 35 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш юзасидан мажбурият қабул қилган эдилар. Съезд шарафига бошланган мусобақа давомида улар ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, пахтакорларга қўшимча 60 минг тонна минерал ўғит етказиб беришга сўз бердилар. Ҳозиргача шу ҳисобдан 40 минг тоннадан ортиқ минерал ўғит колхоз ва совхозларга жўнатилди.

Коллективнинг 1981 йил марралари ҳам юксак. Улар ҳозироқ квартал-маквартал бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олмоқдалар. Съезд очиладиган кунгача пландан ташқари 500 тонна аммиак, 2 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилади. Меҳнат унумдорлиги 1979 йилга нисбатан ўн процент ошади.

Коллективнинг оширилган социалистик мажбуриятлари ёзилган плакатлар барча цех ва участкаларга осиб қўйилибди. Янги иш кунини бошлаётган кимёгарлар бу мажбуриятларга бир назар ташлаб, эммаларига гоят масъулиятли вазифа юкланганлигини чуқур ҳис этмоқдалар ва бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан унумлироқ меҳнат қилишга интилмоқдалар.

Ж. НОСИРОВ,
Чирчиқ шаҳри.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: СЪЕЗДОЛДИ КЎРИГИ

АГИТБРИГАДА ДАЛА КЕЗАДИ

Оржоникидзе район маданият уйи ҳузурида ташкил этилган 19 кишидан иборат икки агитбригада айни долзарб кунларда тез-тез дала меҳнаткашлари ҳузурида ва дам олиш масканларида бўлмоқдалар. Улар томонидан жойларда турли мавзуларга бағишланган лекция ва суҳбатлар ўтказилиб, концерт номерлари намойиш этиляпти.

Агитбригада аъзолари олдиндан тузилган махсус график асосида иш олиб бормоқдалар. Ана шу тадбир бўйича улар ҳозиргача район бош пилла қуритиш идораси, Оржоникидзе номли ва «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозлари, «Правда» ҳамда «Қизил Ўзбекистон» колхозларидаги бригадаларнинг дала шийпонларида, шунингдек, «Қибрай» дам олиш уйи, Ботаника санаторийси, «Октябрь X йиллиги» пансионатларида бўлиб, меҳнаткашлар кўнглини чог этишди. Ҳаваскорлардан Ислом Ёртнев, Ҳусниддин Насриддинбеков ҳамда Гулнора Каримовалар ижро этган куй ва қўшиқлар тингловчиларга манзур бўлмоқда.

Шу кунларда агитколлектив аъзолари ўз репертуарларини бирмунча бойитиш устида ишлашмоқда. Яқин вақт ичида улар райондаги «Қибрай», Р. Мусамуҳамедов номли совхоз-заводлари, «Маданият», «Коммунист» ва Ленин номли колхозларнинг дала шийпонлари ҳамда фермаларига йўл олишади.

Қ. ИЎЛДОШЕВ,
Қ. ҒУЛОМОВ.



Тошкентдаги экспериментал миллий музика асбоблари фабрикаси коллективи хўжалик йилининг яхши кўрсаткичлар билан якунлаш учун мусобақани тобора авж олдирмоқда. Бу ҳаракатда иштирок этаётган М. Фатхуллаева раҳбарлигидаги бригада аъзолари меҳнатда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Суратда: бригадир М. Фатхуллаева (ўнгда) ва силлиқловчи Ж. Азизовалар тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.

ОТАЛИҚ ТАШКИЛОТЛАРИГА ТАЯНИБ

Ёш авлоднинг яхши ўқишида ва намунали тарбия топишида билим ўчоқларининг мустаҳкам ўқув-моддий базаси муҳим ўрин тутади. Шунинг учун педагогик коллективлар мактаб бинолари, синфхона ва устахоналарни сифатли ремонтдан чиқаришга, қўшимча қурилишлар олиб боришга алоҳида аҳамият бериб келишаётир. Машғулотларни кабинет системасига ўтказиш, уларни турли ўқув ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозлаш, устахоналарни техника воситалари билан таъминлаш ана шу мақсад йўлида қилинаётган муҳим тадбирлардан ҳисобланади.

Районимиз билим ўчоқлари педагогик коллективлари бу йил биринчи сентябрга тайёргарлик кўришлар эди, ана шу масалаларга жиддий эътибор бердилар. Мавжуд 58 та мактабнинг ҳаммаси кабинет системасига кўчирилди. Қўшимча синфхоналар қурилиб, ёшларга меҳнат таълими бериши янада яхшилаш учун қулай шароитлар яратилди. Қатор мактаблар ўзларининг спорт комплексларига эга бўлдилар.

Янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари қатъий график асосида олиб борилди. Ҳали мактабларда машғулотлар қизғин давом этаётган бир вақтда биринчи сентябрь тараддуди масаласи район миқёсида атрофлича кўриб чиқилди. Май ойининг бошидаёқ мактаблар оталиқ ташкилотлари вакиллари иштирокида ишлаб чиқариш кенгаши ўтказилди. Мактаблар, болалар муассасалари биноларида олиб бориладиган жорий ремонтни биринчи июлгача, капитал ремонтни эса ўнинчи июлгача тугаллаш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Чиндан ҳам янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўриш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифа эди. Шу сабабли ҳам район партия комитети ва район ижроия қомитети бу масалага эътиборни кучайтирди. Ана шу соҳада қилинаётган ишларнинг бориши масаласи район партия комитетининг бюросида, район ижроия комитетининг йиғилишида махсус кўриб чиқилди. Район халқ маорифи бўлими навбатдаги совет йиғилишида район ва шаҳар халқ депутатлари ишчи, деҳқон ва хизматчи депутатлари Совети сессияларида ишларнинг аҳволи ҳақида ҳисоб берган раислар ва депутатлар ўз сайловчилари олдида ҳисобот берадилар.

Барча мактаб ва болалар муассасалари кўрсатилган муддат ичида сифатли ремонтдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тайёр қилиб қўйилди. Райондаги бешта мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш кабинети, 44 та болалар боғча-яслисида ҳам ҳамма нарса тахт. Бу йил музика мактаблари, техник-лар станцияси ремонтига катта маблағ ажратилди. Инвентарлар ремонти ҳам сифатли бажарилди. Кабинетларга янги жиҳозлар олинди. Мактаб ва боғчалар ёқилғи билан таъминланди.

Шуни мамнуният билан айтиб ўтиш лозимки, ҳар сафаргидек бу йил оталиқ ташкилотлари катта ҳиммат кўрсатдилар. Мактаб иши — умумхалқ иши эканлигини улар чуқур ҳис қилдилар. Айниқса, ремонт заводи, 6-кўчма механизациялашган колонна, район матлубот жамияти ва кўплаб бошқа корхона ва ташкилотлар билим ўчоқларини қурилиш материаллари билан етарли таъминладилар.

Мактабларни ўз оталигига олган колхоз ва совхозларнинг бевосита ёрдамидан ҳамма мамнун. Дзержинский номли (раиси К. Эгамназаров), Ленин номли (раиси Ҳ. Ҳамроқулов), «Коммунизм» (раиси Н. Абдураҳимов), «Победа» (раиси А. Деҳқонов) колхозлари, «Далварзин» (директори И. Ортиқов), «Авангард» (директори Р. Юсупов) совхозлари шулар жумласидандир.

Мактабларни техника воситалари ва етарли ўқув қуроллари билан таъминлашда ҳам оталиқ ташкилотларнинг ёрдами катта бўлди. Қатор хўжаликлар маблағи ҳисобига ўқув устахоналари қуриб берилди, лингафон кабинетлари ташкил этилди. Магнитофонлар, киноаппаратлар янгилари ҳисобига кўпайди. Навоий номли колхоз, «Партия XXV съезди», Мавлонов номли совхозлар шу мақсадлар учун кўплаб маблағ ажратдилар.

Оталиқ ёрдами билан хўжаликларда қатор қурилишлар олиб борилмоқда. Бу янги билим ўчоқлари ва болалар муассасаларининг кўпчилиги 1980—1981 ўқув йилида фойдаланишга топширилади. «Партия XXV съезди» совхозида 910 ўринли мактаб комплекси қурилиши бошлаб юборилди. Ленин номли колхозда ҳам худди шундай мактаб биноси қурилади. «Коммунизм» колхози ҳамда «Ленинград» совхози территорияларида кад кўтараётган ҳашаматли ўқув корпусларида иш қизғин бормоқда.

Боғча-ясли қурилиши ҳам диққат-эътиборимизда тўрибди. Бунёд этилаётган мактабгача тарбия муассасалари биноларининг аксарияти колхоз ва совхозлар кучи билан қурилаяпти. 730 ўринга мўлжалланган боғча-ясслар яқин орада фойдаланишга топширилади.

Ўқувчиларнинг бешинчи чораги муваффақиятли янгиланди. Шу ёзги каникул даври меҳнатсевар болалар учун чиниқиш ва дам олиш мавсуми бўлди. Ўттиздан ортиқ ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси аъзолари колхоз ва совхозда дала ишларига ёрдамлашдилар. Шунингдек улар спорт майдонларини тайёрлашда, мактаб инвентарларини ремонт қилишда, қўшимча синфхоналар қуришда актив қатнашдилар. Қисқаси, меҳнат чораги юқори синф ўқувчилари учун фойдали касб-ҳунарларни эгаллашда амалий босқич бўлди.

Биз ана шу ишларнинг ишлар тўлланган тажрибаларни анъанавий августкенгашида кўпчилик муҳокамасига ташлаймиз, галдаги вазифаларимизни белгилаб оламиз. Ўз билим ва маҳоратларини тинмай ошираётган ўқитувчиларимизнинг иш тажрибалари, ўқитишнинг илғор метод ва усуллари ҳам шу йиғилишда кенг оммалаштирилади. Дарсларга пухта ҳозирлик кўриш, машғулотларни аъло тайёргарлик билан ўтказиш, таълим-тарбияда сифат ва самарадорликка эришиш шиори остида ўтадиган август кенгашида жонажон партиямизнинг XXVI съездини муносиб кутиб олишга қаратилган вазифаларни ҳам белгилаб оламиз.

К. АБДУВОҲИДОВ,
Бекобод район халқ маорифи бўлимининг мудири.

УҚИТУВЧИЛАРНИНГ АВГУСТ КЕНГАШИ ОЛДИДАН

ЧИНОЗ РАЙОНИДА

СЕНТЯБРГА СОВҒА

Районда катта қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу ерда тез-тез ҳосил тўйлари ўтказиб турилибди, янги маданий-маиший бинолар фойдаланишга топширилмоқда.

Шу кунларда «Облколхозстрой»га қарашли 21-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари Охунбобоев номли колхозда қурилаётган мактаб биносини тезроқ фойдаланишга топшириш учун ўзаро социалистик мусобақани қизғинтиб юборишган.

Районда янги мактаб қурилишига алоҳида эътибор берилаяпти. Қурилиш ишларини назорат қилиб борувчи махсус штаб ташкил қилинган.

АЛОҚА ТАРМОҒИ КЕНГАЙМОҚДА

Чиноз шаҳри кундан-кунга чирой очиб кенгайиб бормоқда. Шаҳарликлар учун турли қулайликлар яратиляпти, уларнинг турмуш маданиятини ошириш учун қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Икки минг номерли янги алоқа уйи битиши билан чинозликларга яна бир қулайлик яратиб берилади.

Олтинчи кўчма механизациялашган колонна қурувчилари барпо этаётган янги алоқа уйи шу йилнинг тўртинчи кварталида хизмат кўрсата бошлайди. У ишга тушиши билан шаҳар аҳолиси фақат ўзаро телефон алоқаси ўрнатибгина қолмай, бошқа шаҳарлардаги дўстлари билан ҳам автомат телефон линияси орқали боғланиш имконига эга бўладилар.

ҚАРШИ ВА ЖИЗЗАХ ЧЎЛҚУВАРЛАРИГА

Қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати маҳсулотлари республикамизнинг турли шаҳарларига юборилади. Юқори сифатли темир-бетон буюмлари, норуда материаллар янги-янги шаҳарларни букёд қилишда жуда қўл келмоқда.

Яқинда корхонада бир неча янги цехлар қуриб ишга туширилди. Уларда махсус трубалар, уйларнинг жиҳозлари, темир-бетон буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, корхона ишчилари чўчқахоналар учун ҳам деталь ясашни ўзлаштириб олишди. Янги турдаги бу маҳсулотларнинг энг катта қисми Қаршн ва Жиззах даштларини ўзлаштираётган қалби олов чўлқуварларимизга юборилмоқда.

А. РАҲИМОВ.

ТОШКЕНТ: УЮШГАН «АНСАМБЛЬ»

Халқлар дўстлиги майдонидаги кино концерт залининг курувчилари яп-янги креслоларга ўтиришар экан, ҳазиллашиб «билетингизда кўрсатилган жойга ўтиринг» дердилар. Аммо ҳеч кимда билет йўқ эди. Залда... томоша залидаги креслоларнинг паст-баландлиги ўлчаб кўрилаётганди. «Томошабинлар» партер ҳам, «галерея» ҳам залда яхши ўрнашганлигига қаноат ҳосил қилгач, залдан чиқдилар ва мебелни йиғиштириб олдилар. Катта қурилиш симфонияси янги бир куч билан яъгради. Ишлаб турган механизмлар гувуллашида, электр сварка шитирлашида, монтаж асбобларининг тақиллашида бирон ҳам дирижёр қайси «овоз» етакчи эканлигини аниқлаб бера олмайди. Аммо «партитура» — ишларнинг тармоқ графигига қараб қурувчилар ансамбли уюшқоқ экан деб бемалол айтиш мумкин. Чунки белгиланган муддатларга қатъий риоя этилмоқда.

— Лойиҳада белгиланган ишларнинг кўпи амалга оширилиб бўлди, — дейди «Висстрой» трести 41-бош пудратчи қурилиш ташкилотининг бошлиғи А. Кочеров, томоша зали сўнгги пардозлан чиқишга тайёр.

Злобин методи ҳам жуда яхши хизмат қилди: ундан фойдаланган М. Ҳабибуллаевнинг комплекс бригадаси бош зал томини монтаж қилишни ярим йил тезлатди.

(ЎзТАГ мухбири).

КОМБИНАТ НЕГА ОҚСАЯПТИ?

РЕСПУБЛИКА бинокорлик материаллари саноатининг тўнғич корхонаси — Бекобод цемент комбинати коллективи фидокорона меҳнати, ўз маҳсулотлари билан бутун Иттифоқимизга довруғ тараттан эди. Аммо, сўнгги бир неча квартал иш якунлари бўйича корхона номи қолоқлар рўйхатининг охири томон жадал сурилиб бораётганлиги ҳаммани ташвишга солмоқда. Комбинатда олти ойлик план аранг 86,1 процентга етказилди. Бекободликлар йил бошидан бери қурувчиларга юз минг тоннага яқин юқори маркали цемент етказиб беролмадилар. Шу йилнинг биринчи кварталида маҳсулот таннархи 2,3 процент кўтарилганлиги таъкид қилинган эди. Олти ойлик иш якуни бўйича бу кўрсаткич 18 процент ортиб кетди...

Корхонанинг бунчалик оқсаб қолишига нималар сабаб бўляпти? Бу саволга жавобни узоқ изламайсиз. Цемент олиш учун хом ашё — клинкер ишлаб чиқарадиган 1- ва 2-печлар тўхтаб турибди. Кўнгилсиз аҳволдан ишчилар тажанг. Атроф чиқиндиларга тўлиб кетган. Чанг бурқсиб ётган иккита мўри ёнида чиқиндиларни ташиши лозим бўлган 20 тача автомашина қисмларга сочилиб ётибди... Тупроқ йўлдан ярмигача кўмилиб кетган тегирмонлар томон зўрға ўтдик.

— Комбинатимиз 1926 йилда қурилган, ускуналар эскириб қолган, — дейди корхона партия комитети секретари Ҳайит Ашрапов. — Яхши ишлаб турган пайтимизда ускуналар ремонтига эътибор қилмаганимиз, қолаверса реконструкция планларини вақтида бажармаганлигимиз энди панд беряпти. Эски майдалаш тегирмонлари ремонти учун қисмлар топиб бўлмаяпти. Албатта, министрлик томонидан кейинги пайтда чоралар кўрилиб турибди. Хомашё цехида 2-тегирмонни капитал ремонт қиляпмиз, 6-тегирмонда ремонт ишлари бажарилаяпти. Аммо, корхонани тўла тиклаб олиш талаблари олдида бу — дарёдан томчи холос. Чунки, цемент ишлаб чиқариш цехи ускуналарини тартибга солиб олишга ҳозир ўзимизнинг кўзимиз етмай қолди. Қўлимиз калталик қиляпти. Мана энди умидимиз янги, 2,6х13 метр ўлчамли тегирмонни ишга туширилишига қаратилган. График бўйича 10 августда ишга тушириш керак эди, лекин бу ерда ишлар кечикиб кетаяпти.

Ҳа, Бекобод цемент комбинатида юзага келган ташвишли ҳолнинг асосий сабаблари технологик қурилмалар самарали ишлатилмаётганлиги, тез-тез тўхтаб қолаётгани, цементчилар иш ўрнига ремонт билан банд бўлиб қолаётганлиги, қолаверса малакали кадрлар етишмаслигидир. Масалан, цемент учун хом ашё тайёрловчи қуйдириш цехи июнь ойи планини аранг 30 процентга етказди. Чунки, биринчи ва иккинчи, шунингдек тўртинчи ва бешинчи айланувчи печлар ишдан кўра кўпроқ ремонтга тўхтаб турди. Шундай долзарб дамларда Анатолий Марков бошлиқ «Бекободцемремонт» ходимлари кутилгандай кўмак кўрсатолмадилар. Биз цехда бўлганимизда ветеран слесарь, Ҳурмат белгиси ордени кавалери Ражаб ака Рустамов хомашё таъминоти ишларининг пухта ташкил этилмаганидан куйиниб гапирди:

— Бизда ҳозир бешта қуйдириш печи бор, — деди у. — Тўртинчи печни амал-тақал билан капитал ремонтдан чиқазиб, йўлга қўйиб олдик. 6-печни ҳам ремонт қилиб, ишга тахтладик. Энди бошқа томони оқсаяптики, бу печларга хом ашё етказиб берилмаяпти, шлам етишмаяпти. Шунинг учун печлар тўхтаб турибди, хом ашё бўлди-ёқамиз. Шламни бизга хом ашё бўлими етказиб бериши керак, у ердаги тегирмонлар эса ишдан чиқиб қолди. Янги лента қўйишганиди, 5—6 кун ишлади-ю, яна тўхтаб қолди.

Корхона ишининг ягона технологик жараён асосида ташкил этилиши ҳамма участкалар ишини пухта йўлга қўйишни талаб қилади. Корхонадаги электрофильтрлар созланмаганлиги туфайли тўртинчи ва бешинчи печь мўриларидан кўплаб тонна цемент чанги ҳавога сочилиб ётгани матбуотда бир неча бор танқид қилинган эди. 4- ва 5-айланувчи печлар ёнида УГ-2-3-74 маркали такомиллаштирилган чанг тутқичлар қурилиши белгиланган. «Цементлострой»нинг ўртоқ Козлов бошчилигидаги махсус бошқармаси айби билан бу йил қурилишга ажратилган 110 минг сўмдан ҳозиргача 8 минг сўми ўзлаштирилди, холос. Эндигина бу электрофильтрлар қуриладиган жой чиқиндилардан тозаланди. Ҳали пойдевори қурилиши ҳам бошланганича йўқ.

— Қурилиш ишлари яна тўхтаб қолди, — дейди Ҳайит Ашрапович. — Нега деганда, кучимиз етмаяпти. Қурувчиларни бошқа объектга олишди. Ҳанузгача кўплаб цемент ҳавога учиб кетаяпти...

Бу фактлар юқори ташкилотларга ҳам яхши маълум. Редакциямизга Бинокорлик материаллари саноати министрлигида мазкур камчиликлар муҳокама этилгани маълум қилинган эди. Министрлик жавоб хатида «Бекобод цемент комбинатидаги қолоқлик сабабларидан бири — 1959 йилдан бери ишлатилаётган майдалаш тегирмонлари эскириб қолганлигидир», — дейилади.—Шунинг учун, — деб таъкидланади яна хатда, — 1980 йилда иккита янги: бешинчи ва олтинчи такомиллаштирилган замонавий тегирмонлар қуришга киришилди. Улардан бирининг монтажи шу йил тугалланади».

Янги тегирмон қурилиши билан танишдик. Бу ерда ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Объект смета қиймати 2 миллион 841 минг сўм белгиланган. Бош пудратчи — «Цементлострой»нинг махсус бошқармаси эса бугунгача 292 минг сўм ўзлаштирибди, холос.

— Қурилишга капитал маблағ ажратиш ҳалигача расмийлаштирилмаганлиги ишга халақит бераяпти, — дейди қурилиш бўйича комбинат директорининг ўринбосари А. Пак.— Қурилишда ҳам, монтаж ишларида ҳам графикдан жуда орқада қолинаяпти. Ускуналарни ўрнатиш кечикмоқда.


Дарҳақиқат, бу муҳим объект қурилишига етарли эътибор сезилмайди. Биз қурилиш майдонида бўлганимизда, бу ерда фақат 8 киши ишлаётган эди.

Бинокорлик материаллари саноати министрлиги комбинат цементларига бўлган ҳар бир участка аҳволини пухта текшириб, уларнинг узлуксиз ишлашига эришиш талаб этилади. Ремонтчи ва монтажчи ташкилотлар ишчи кучи, мутахассис кадрлар билан мустаҳкамланиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Комбинатга автотранспорт хизмати кўрсатиш тубдан яхшиланиши зарур. Шундагина корхонанинг қолоқлик гирдобидан чиқиб олишига умид боғлаш мумкин.

М. МУРОДОВ.

ҚОЛОҚ КОРХОНАДА

Рустам Эшонов Янгийўлдаги пойафзал фабрикасининг пешқадам ишчиси. У КПСС XXVI съездини шахсий совға билан нишонлаш учун фидокорона меҳнат қилиб, ҳар куни нормани 160—170 процентдан бажаряпти.



В. Сироткин фотолари.

ТОНГ ЙЎЛЛАРИ

Қуёш уфқларнинг сўнгсиз бағрида ором олмоқда. Тонг ҳали ҳарир рўмолини кўтарганича йўқ. Кўкда сўниб улгурмаган юлдузлар ҳоргин милтирайди. Ана шу субҳидам чоғида равон қишлоқ йўлидан ўйларга кўмилиб Людмила бораяпти. Ҳаёллари янги режалар, эртанги орзулар билан банд.

Унинг одати шу: субҳидамда фермага йўл олади. Чунки ўз келажаги, бахти, бугуни, эртаси — барчаси ана шу фермада эканлигини у яхши билади.

Людмила чорвадор қизи... Онаси Раиса опа Полякова илғор сут соғувчилардан. Людмила мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ онасига қарашиш учун фермага келар, сут соғишда ёрдам бериб қайтар эди. Умр дегани дарёдек оқиб ўтаверар экан. Кунлар, ойлар, унинг ортидан йиллар ҳам ўтаверади.

Людмила тез-тез фермада бўлар экан, «оқ чашма» соҳибаларининг меҳнатига юракдан меҳр қўйганлигини ўзи ҳам билмай қолди. Мактабни тугатиш арафасида у онаси ёнида қолиб ишлашга қатъий қарор қилди. Лекин... Бировга ёрдам бериш бошқа-ю, мустақил ишлаш бошқа экан. Дастлабки йили ўзига биркитилган 17 бош соғин сигирни парвариш лаш, сут соғиб олиш осон бўлмади унга. Людмила коллектив ишончини оқлаш орзуси билан астойдил меҳнат қилди. Бир йилдан сўнг область сут соғувчилари ўртасида ўтказилган конкурсда муваффақиятли ўринни эгаллади. Унинг касбга бўлган меҳр-ихлоси янада ошди. 1978 йили комсомол-ёшлар бригадасига бошлиқ қилиб тайинланди. Бу катта ишонч унга янги қанот бахш этди. Ахир, бригаданинг саккиз нафар аъзоси ҳам Людмилага ўхшаган ёшлардан. Мавлуда Тиллаева, Фарида Тўлаева, Валентина Дарина каби соғувчилар унга ҳамкор бўлишади. Дугоналар йиллик план ва топшириқларни муддатидан илгари бажариб бригада муваффақиятига муваффақият қўшдилар. Людмила эса уларга ҳамиша бош-қош бўлди.

У ўтган йили ҳар бош соғин сигирдан 5 минг литрдан сут соғиш мажбуриятини олган эди. Ҳалол меҳнати эвазига бу мажбуриятни 5100 литрга етказиб бажарди. Инсон ҳамиша олга интилади. Людмиланинг бу йилги аҳди ҳар бош сигирдан 5200 литрдан сут соғиб олишдир.

Людмила ҳаётида рўй берган икки воқеани сира унутмайди. 1979 йил район бўйича ўтказилган социалистик мусобақада голиб чиқди. Иккинчиси унга юксак ишонч билдириб, қишлоқ Советига депутат қилиб сайлашди.

Людмиланинг ташаббуси билан яқинда яна битта комсомол-ёшлар бригадаси ташкил этилди. Унга бригаданинг илғор соғувчиси Мавлуда Тиллаева раҳбар этиб тайинланди. Иккала бригада ўртасида йўлга қўйилган социалистик мусобақа ютуқлар гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Фермада бу йил ҳар бош соғин сигирдан 3250 литр ўрнига 4500 литрдан сут соғиб олинади. Людмила ва унинг сафдошлари эса бу кўрсаткични 5000—5200 литрга етказишмоқчи.

Людмиланинг кувончи чексиз, у бутун қалби, меҳнати билан ўз касбидан фахрланади.

...Яна тонг отмоқда. Қишлоқ йўлидан шошилганча бир аёл бормоқда. У боради қишлоқ йўллари равон, нурафшон йўллар, холис ниятли кишиларни нурли манзилларга элтувчи бегубор йўллардир.

М. ҲОСИЛОВА,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози.



РЕМОНТ ТУГАЛЛАНДИ

Галаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механизаторлари пахта териш машиналарини ремонт қилишни муддатидан илгари тугалладилар. Юзта «зангори кема», кўрак терадиган 27 та машина, 54 та подборщик ва 380 трактор прицепи тайёр қилиб қўйилди. Комиссия пахта териш машиналарини «аъло» баҳо билан қабул қилди.

Пахта териш машиналарининг ҳаммаси икки смена ишлаш учун механизаторлар билан таъминланди. 87 нафар механик-ҳайдовчи қўшимча равишда тайёрланди.

Бу йил совхоз деҳқонлари ҳосилнинг 95 процентини машиналар билан теришга қарор қилдилар. Бу эса ўтган йилдагидан 8 процент кўпдир.

(ЎзТАГ мухбири).

Галаба районидаги Свердлов номли колхозда ғўза культивацияси, суғориш жадал суръатларда олиб борилиши билан бир қаторда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ҳам кучайтирилиб юборилган. Бу агротехника тадбирларни хўжалигининг Қ. Аммирқулов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасида айниқса сифатли ўтказилмоқда. Ёш пахтакорлар бу йил 45 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Суратларда: бригада етакчиси Қ. Аммирқулов; ғўза зараркунандаларига қарши дорн сепиш пайти. Ж. Тўраев фотолари.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб, тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин ҳамда «Қаҳрамон она» ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг Ёрлиқлари топширилсин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Абдуқодирова Раҳима — уй бекаси, Оҳангарон райони.

Абдуқодирова Умитой — Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози аъзоси.

Абдураҳимова Қизилгул — уй бекаси, Оҳангарон райони.

Абдураҳмонова Тошбиби — Бўка районидаги «Кўкорол» совхози ишчиси.

Азимова Холбиби — уй бекаси, Бўстонлиқ районн.

Алижонова Озодгул — уй бекаси, Бўстонлиқ районн.

Алимқулова Буолма — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози аъзоси.

Анорқулова Робия — ишчи, Ангрен шаҳри.

Ахметова Ойша — Коммунистик районидаги К. Маркс номли колхоз аъзоси.

Охунжонова Каромат — уй бекаси, Бўстонлиқ районн.

Охунова Муҳаббат — ишчи, Бекобод шаҳри.

Байзокова Умниса — Бекобод районидаги «Авангард» совхози ишчиси.

Баратова Анор — уй бекаси, Паркент районн.

Гейдарова Обида — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози ишчиси.

Жўраева Турсуной — Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз аъзоси.

Жўраева Турсуной — уй бекаси, Олмалиқ шаҳри.

Ёшова Олима — уй бекаси, Паркент районн.

Жуманова Муборак — уй бекаси, Янгийўл районн.

Жунисалиева Райхон — Бўстонлиқ районидаги «Қизилгул» колхози аъзоси.

Жўраева Боснят — Паркент районидаги «Коммуна» совхози ишчиси.

Зукурова Замира — уй бекаси, Чиноз районн.

Ибрагимова Турсунбу — уй бекаси, Паркент районн.

Исаматова Рақия — уй бекаси, Ангрен шаҳри.

Искандарова Ҳайри — Бўка районидаги «Кўкорол» совхози ишчиси.

Исроилова Муҳаррам — уй бекаси, Калинин районн.

Каршибоева Улугбиби — уй бекаси, Оҳангарон шаҳри.

Қодирова Туйғун — уй бекаси, Оҳангарон районн.

Қўшмонова Тошбуви — Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхози ишчиси.

Маллаева Адолат — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхози ишчиси.

Мамасолиева Саодат — уй бекаси, Оҳангарон районн.

Маутова Мария — уй бекаси, Бўстонлиқ районн.

Машева Уркен — Пискент районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Машкурова Ҳанзи — Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз аъзоси.

Медешева Насиба — уй бекаси, Оҳангарон районн.

Мингбоева Умринса — уй бекаси, Янгийўл районн.

Мирзаахмедова Рўзибуви Йўлчиевна — ишчи, Чирчиқ шаҳри.

Муродова Бахтиниса — Бўка районидаги «Кўкорол» совхози ишчиси.

Назаралиева Тожихон — уй бекаси, Янгийўл шаҳри.

Нурмонова Хоним — уй бекаси, Ангрен шаҳри.

Нурматова Файзиниса — ишчи, Ғалаба районн.

Орипова Бозоржон — Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси.

Пердеева Адес — Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоз аъзоси.

Раҳимова Ўрин — уй бекаси, Янгийўл районн.

Раҳматова Бахриниса — уй бекаси, Коммунистик районн.

Рисқулова Назира — Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхози аъзоси.

Собирова Мусиба — уй бекаси, Паркент районн.

Сайлибоева Тўхташ — уй бекаси, Бўстонлиқ районн.

Сапаева Хоним — уй бекаси, Янгийўл районн.

Сапарова Ҳалима — Бўка районидаги Ильич номли колхоз аъзоси.

Сарабекова Сирға — Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз аъзоси.

Сарсенова Нишон — уй бекаси, Паркент районн.

Сатарова Меҳри — Бўка районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

Сотиболдиева Турсуной — Бўка районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

Сулаймонова Муҳаббат — уй бекаси, Оржоникидзе районн.

Тожиева Карима — уй бекаси, Оржоникидзе районн.

Тошқулова Ойимгул — уй бекаси, Оҳангарон районн.

Тошўлатова Патма — уй бекаси, Бўстонлиқ районн.

Темирова Мўътабар — Бекобод районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Тешабоева Қумри — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Турдиева Ҳайриниса — уй бекаси, Коммунистик районн.

Умарова Ҳосият — уй бекаси, Олмалиқ шаҳри.

Ўрозбекова Сайдин — Бекобод районидаги «Авангард» совхози ишчиси.

Ўрозқулова Раҳима — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози ишчиси.

Ҳантова Ҳакима — Бўка районидаги К. Маркс номли колхоз аъзоси.

Ҳакимова Салима — уй бекаси, Бўстонлиқ районн.

Холбоева Қизларой — Бекобод районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Холмурзаева Муқаддам уй бекаси, Янгийўл районн.

Ҳамидова Дарихи — Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхози аъзоси.

Ҳамроқулова Меҳри — ишчи, Ғалаба районн.

Ҳатипова Фирдас — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози ишчиси.

Ҳидирова Бувисора — Бўка районидаги Ильич номли колхоз аъзоси.

Элчиева Мақсуда — ишчи, Бекобод шаҳри.

Эргашева Нишонгул — уй бекаси, Оҳангарон районн.

Йўлдошева Завра — уй бекаси, Оҳангарон районн.

Юнусова Холниса — уй бекаси, Бекобод шаҳри.

Юсупова Қумри — уй бекаси, Оржоникидзе районн.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

Жўраева Розия — ишчи.

Қолқулова Анор — уй бекаси.

Мусаева Рашида Эгамбердиевна — уй бекаси.

Тасбоева Розия — ишчи.

Тўйчиева Мамлакат — уй бекаси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
4 август, 1980 йил.

САНЪАТКОРЛАР МЕҲНАТКАШЛАР ҲУЗУРИДА

ИШЧАНЛИК ВА ЖАНГОВАРЛИК УЧУН

Депутатлар — халқнинг ҳукуматдаги мухтор вакиллари, ишлаб чиқаришда илғор, жамоат ишларида актив эл фарзандларидир. Улар меҳнаткашларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш, меҳнат фронтида доимо олдинги сафда бўлиб, зарбдорчиликка ишлаб, Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашдек шарафли ният билан яшайдилар.

Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Советида бўлганимизда шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари К. В. Шелохова депутатларнинг бу борадаги ишлари ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил июнь Пленумининг партия XXVI съездини чақириш тўғрисидаги қарорини гоят баланд руҳ ва ватанпарварлик ғайрати билан кутиб олдик. Съездолди ишчанлик, жанговарлик руҳини ҳар бир меҳнат постида сезиш мумкин.

Шаҳар саноатчилари, ўнинчи беш йилликнинг етти ойи ичида пландан ташқари 35 миллион сўмликдан кўп маҳсулот реализация қилдилар. Ҳозир 92 хил маҳсулотга давлат Сифат белгиси берилган. Бу эса ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотн ҳажмининг 15 процентини ташкил этади. 1975 йилга нисбатан Давлат сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ўн бараварга кўпайди. Бешйилликнинг ўтган даври ичида 30 миллион сўмликка яқин капитал маблағ ўзлаштирилди. 56 минг квадрат метр турар-жой фойдаланишга топширилди. Бу эса ўтган саккизинчи беш йилликка нисбатан анча кўпдир. 1176 ўқувчига мўлжалланган мактаб, 280 жажжи фарзанд учун болалар боғчаси, даволаниш муссасалари қатор маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди. Шубҳасиз, топшириқларни зиёдаси билан адо этишда депутатларнинг хизматн каттадир. Маълумки, янгийўлликлар «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ватанпарварлик ташаббусининг бошловчиларидир. Шаҳар Совети, унинг ижроия комитети, доимий комиссиялар ва депутатлар бу ташаббусни омманинг мулкига айлантиришда жуда катта ибратли ишларни амалга оширдилар. Меҳнаткашларни план ва социалистик мажбуриятларни ошириб бажаришга сафарбар эта олдилар.

Депутатлар ишлаб чиқаришда олдинги сафда боришлаяпти. Турли ташаббуслар билан чиқишаяпти, рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатида актив иштирок этишмоқда. 18 нафар депутат беш йиллик топшириғини бажариб қўйди. Бир депутат эса Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги нишонланадиган кунгача икки беш йиллик топшириқни адо этишга азму-қарор қилган. 29 депутат оширилган мажбуриятлар қабул қилди.

Халқ депутатлари шаҳар Совети сессияларида иқтисодий ва социал ривожланиш планлари, шунингдек, транспорт, маданий-маиший хизматни яхшилаш, ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш, сайловчилар наказларини бажариш бўйича қатор масалаларни кўрмоқда. Сессияларга тайёргарликда депутатлар актив иштирок этишяпти.

Советлар сессияларини

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

тайёрлашда доимий комиссияларнинг активлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳар бир сессияда доимий комиссияларнинг доклади ва докладга қўшимчалар, депутатларнинг ўз ваколатларини қандай бажараётганлари ҳақидаги ахборотлари тинглаб борилади. Масалан, XVI чақириқ давомида Т. Исҳоқов, Т. Муминов, Н. Одилов, Н. Маликов, М. Леонова, А. Икматова, Д. Раҳимов, И. Божков, К. Нурмуҳамедов каби депутатларнинг ахборотлари эшитилди.

Йилдан-йилга депутатларнинг активлиги ўсиб бормоқда. XVI чақириқ даврида ўн беш сессия ўтказилиб, унда 144 депутат сўзга чиқди. Кейинги чақириқ давомида эса иккита сессия ўтказилди, унда ҳам депутатлар актив иштирок этишди. Сўнгги икки йил ичида 86 депутат шаҳар Совети ва унинг органлари топшириқларини қандай бажараётгани ҳақида ҳисобот берди.

Шаҳар Советининг XVI ва XVII чақириқларида 17 та доимий комиссия ташкил этилган. Унга 160 депутат бирлашган. Шаҳар Советининг сессияларида маданий-оқартув ишлари, соғлиқни сақлаш ва социал-таъминот, ёшлар иши, меҳнат ва аёллар ҳаёти, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияларнинг ҳисоботлари ҳам тингланди.

Иккинчи сесияда доимий комиссиялар ва депутатлар группаларининг перспектив плани тасдиқланди. Бу эса барча ишларни планли суратда ташкил этиш, шу билан бир қаторда ҳамма соҳаларни қамраб олиш имконини бермоқда.

Депутат Л. Исмоилова раислик қилаётган саноат бўйича доимий комиссия аъзолари жуда яхши тадбирларни амалга оширишяпти. Комиссия саноат корхоналари коллективлари, ишлаб чиқаришда қатнашаётган депутатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиб, умумлаштириб бораяпти. Уларни омманинг мулкига айлантирмоқда.

Депутатлар сайловчилардан тушган наказларни бутун куч ва билимларини ишга солиб, бажармоқдалар. Шуни яна бир қайта айтиш керакки, тушаётган наказлар хилма-хил. Уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш унумдорлигини ўстириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишчи ва хизматчиларга етарли шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилган. Депутатларнинг ташаббуси билан кейинги вақтларда шаҳарда ободончилик ишлари бирмунча яхшиланди. 82,3 минг квадрат метр йўл ва тротуар асфальтланди, 6,2 километр узунликда газ трубалари ўтказилди. 492 хонадон газлаштирилди.

Халқ депутатлари шаҳар Совети депутатларнинг активлигини янада ошириш йўлида қатор ташкилий ишларни амалга оширмоқда. Шаҳар ижроия комитети мунтазам суратда «Депутатлар куни»ни ўтказиб бормоқда. Унда депутатлар статуси ҳақидаги қонун янада чуқурроқ ўрганилади. Янги сайланган депутатлар илғор тажрибалар билан таништишади. Шунингдек, сайлов участкалари, корхоналарда бўлишади. Ёш депутатларга ҳуқуқий ва юридик ёрдам кўрсатишни яхши йўлга қўйганмиз.

Ижроия комитетда шаҳар ва область Совети депутатлари тез-тез ҳисобот бериб турадилар. Шаҳар ижроия комитети билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларни ўрганиб боради, уларни ўрганади ва умумлаштиради. Шу билан бир қаторда тегишли хулосалар турли ташкилот ва муассасаларга юборилади.

Ўнинчи беш йилликнинг етти ойи ўтди. Бу орада жуда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Шаҳар экономикаси, социал ҳаётида қатор ўзгаришлар юз берди. Шубҳасиз, бу юксалишда халқ хизматкори — депутатларнинг муносиб ҳиссаси бордир. Депутатларимиз эришилган барча тажрибаларни умумлаштириш ва оммалаштиришда давом этишмоқда. Меҳнаткашларнинг фаровон яшаши учун кўлларидан келган хизматларини аямаштн. Ишлаб чиқаришда эса байроқдорлар сафида боришмоқда.

ҚИШЛОҚ ДЕПУТАТЛАРИ—ҲАРАКАТДА

Яқин орада қишлоғимизда бўлмаган киши бу ерларни таний олмайди. Фақатгина кейинги йилларнинг ўзида учта ўрта ва саккиз йиллик мактаб, учта замонавий болалар боғчаси, кўплаб дала шийпонлари қад кўтарди. 50 ўринли шифохона, 4 та медпункт, ҳаммом ва кўплаб савдо шохобчалари меҳнаткашларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатяпти. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида бичиш-тикиш цехи бунёд этилди ва яқинда фойдаланишга топширилди.

Бу ишларни адо этишда Бекобод қишлоқ Совети депутатларининг ҳам ҳиссаси катта. Улар сайловчилар наказларини кўнгилдагидек бажариб, ободончилик ва қурилиш ишларини тезлаштиришда ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Масалан, ўтган йили наказлар асосида 16 километр йўл асфальтланди, 1500 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Қишлоқ Совети территориясидаги Навоий номли колхозининг ҳамма участкаларида кенг кўламда кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди.

Депутатлар юксак ишончга жавобан ишлаб чиқаришда намуна бўлиш билан бирга жамоат ишларида ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар. Т. Абдуллаев, М. Миербеков, Ж. Умаралиев ва Э. Эргашев сингари депутатлар 360 ўринли маданият саройи, колхоз марказий ремонт устахонаси 500 товуққа мўлжалланган парандахона қурилишларини жадаллаштиришда активлик кўрсатмоқдалар. Уларнинг ёрдамида суғориш системаларини реконструкция қилиш, кутубхона, туғруқхона ва медпунктлар қурилиш суръатлари ҳам тезлаштирилмоқда.

Х. ОТАҚУЛОВ.
Бекобод райони.



Тошкент райони чорвадорларининг ватанпарварлик ташаббусига қўшилган Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози сут-товар комплекси коллективи ҳам чорвачилик маҳсулотларн етиштириш ҳамда давлатга сотиш 1980 йил ва умуман ўнинчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш учун курашаётирлар. Бунинг учун улар чорва молларини тўйимли озуқалар билан боқиб, маҳсулдорлигини тобора ошираяптилар.

Еш сут соғувчи Дилором Ҳамидова комплекс чорвадорлари ўртасида КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун авж олган социалистик мусобақа пешқадамларн сафида бораётир. У говмушларидан кунига 250 килограммга етказиб серқаймоқ сут соғиб олаётир. Илғор соғувчи ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида қарамоғидаги 20 сигирнинг ҳар биридан 4000 килограммдан сут соғиб олишга сўз берган. Суратда: илғор соғувчи Дилором Ҳамидова.

А. Зуфаров фотоси.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

МЕН БУ МАМЛАКАТНИ СЕВИБ ҚОЛДИМ

ОТТАВА. (ТАСС). Москвадан қайтиб келган Канада туристлари XXII ёзги Олимпиада ўйинларининг ташкил этилишини гоят мақтаб гапирдилар. «Оттава жорнэл» газетаси Канада пойтахтида яшовчи Равен Ирвинг билан қилган суҳбатни босиб чиқарди. Равен Ирвинг хоним пропаганда шов-шувига учган канадалик спортчилар Москвага бораолмай қолганликлари учун ачинганлигини айтди. «Бу кишилар энг қизиқарли ва ранг-баранг томошалардан бири бўлган Москвадаги Олимпиада ўйинларини кўриш имкониятидан ўзларини маҳрум этдилар».

«Мен бу мамлакатни севиб қолдим. Совет кишилари гоят меҳрибон ва меҳмондўст кишилардир». У СССРда гўё ажнабий туристларга халақит бераётган тақиқлашлар ҳақидаги гап — сўзларни бемаъни даъволар деб атади. «СССРда бирон бир қийинчиликни сезаётган кишини билмайман», — деб таъкидлади Равен Ирвинг.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ВЕНА

Австрияда қимматчилик авж олмоқда. Июль ойида чакана нархлар ўтган йилнинг шу ойидагига нисбатан 6,6 процент ошди. Коммунал хизмати ва электр учун тўланадиган ҳақ гоят кўпайди, мебель ва бинокорлик материалларн ҳам қимматлашиб кетди.

МЕХИКО

Мексика ташқи ишлар министри Хорхе Кастаньеда Сальвадорда инсон ҳуқуқлари муттасил поймол этилаётганлигини айтди. Министр «Уно мас уно» газетасининг Сальвадор полицияси томонидан ёвузларча ўлдирилган мухбири Игнасио Родригеснинг жасади махсус самолётда Сен-Сальвадордан Мексика пойтахти аэропортига олиб келиниши олдидан ўтказилган матбуот конференциясида сўзга чиқди.

МАПУТУ

Жанубий Африкада чиқадиган «Ранд дейли мейл» газетаси Иоганнесбург атрофидаги Соуэто шаҳрида уй-жой нархи оширилганлигини хабар берди.

Жанубий Африка республикаси ҳукумати африкаликларнинг ана шу геттосида квартира ҳақини 1981 йилнинг февраль ойига қариб 75,2 процент оширишни планлаштирмоқда.

ДЕҲЛИ

Муссон ёмғири тўхтовсиз ёғаётганлиги ва Ганг дарёсининг суви тошганлиги натижасида Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатида ҳалок бўлганлар сони 430 кишига етди. Сув тошқинидан штат аҳолисининг камида учдан икки қисми зарар кўрди. Неча юз минглаб кишилар бошпанасиз қолди, энг маҳсулдор неча ўн минг гектар экинзорни сув босди.

ТОКИО

Кнодо Цусин агентлиги Сеулдан хабар беради: Жанубий Корея олий суди аъзоларидан беш киши истеъфо берди.

Бу ерда мамлакатдаги ички сиёсий вазиятнинг нескинлашганлигини ана шу олий суд ортани составининг учдан бир қисми ўз лавозимидан кетганлигига сабаб бўлди, деб таъкидлайдилар. Шу йил май ойида Жанубий Кореянинг Кванжу шаҳри аҳолисининг кўзғолони вахшиёна бостирилганидан кейин Сеул хунтаси режим душманларидан ёпасига қасос олишга киришди, демократик ҳаракатнинг неча минглаб қатнашчиларини турмаларга ташлади.

(ТАСС, 12 август).

СЪЕЗД ЎЗ ИШИНИ ТУГАЛЛАДИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС мухбири). АҚШнинг энг йирик ва нуфузли негрлар ташкилотидан бири бўлган жанубдаги христиан раҳбарлар конференциясининг ҳар йил ўтказилиб турилиадиган навбатдаги 23-съезди Огайо штатидаги Кливлен шаҳрида ўз ишини тамомлади. Съездда мамлакатдаги негр аҳолисининг кўлгина оммавий ташкилотлари вакиллари, таниқли сиёсий, касаба союз ва жамоат арбоблари иштирок этдилар. Съездда Америка қора танли аҳолиси олдида турган энг ўткир проблемалар,- авало ишсизларнинг кўплиги, оммавий қашшоқлик, социал-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда ирқий камситиш масалалари муҳокама қилинди.

И. МАКУРИН.

ГАЗЕТА ЮБИЛЕЙИ

ВЬЕНТЬЯН. (ТАСС). Лаос халқ революцион партияси Марказий Комитети органи «Сиенг пасасон» газетасининг биринчи сони босмадан чиққан кунга беш йил тўлди. Газета халқ ҳокимияти йиллари мобайнида энг оммабоп нашр бўлиб қолди. Газета саҳифаларида мамлакатда ва чет элларда рўй бераётган энг муҳим воқеалар ёритилади. Газета Лаос меҳнаткашларини республикада социалистик жамият асосларини қуриш соҳасидаги янгиликлар билан таништиради.

Газета қардош социалистик мамлакатларнинг турли соҳаларда эришган ютуқларини, социал иқтисодий қурилишда қўлга киритган муваффақиятларини ёритишга ҳам катта эътибор бермоқда.

ДЎСТЛИК ҲАҚИДА ДОСТОН

„ЗАНГОРИ ЭКРАН" ЯНГИЛИКЛАРИ

Шу йил июнь ойида Ўзбекистонда қардош озарбайжон адабиёти ва санъати декадаси катта муваффақият билан ўтди. Озарбайжоннинг маданият арбоблари, таниқли ёзувчи, хонанда, актёр, композитор, рассом, архитектор, созандалари билан учрашувлар, шеърият кечалари дўстлик ва қардошлик байрамига айланиб кетди. Халқимиз қалбида ўчмас из қолдирди. Яқинда «Зангори экран»ларимизда Ўзбекистон телевидениесининг маънавий ҳаётимиздаги ана шу муҳим воқеага бағишланган «Дўстлик ва қардошлик байрами» видеофильми намойиш қилиб кўрсатилди (режиссёрлар М. Маҳкамов, В. Бобоев, кинооператорлар — Н. Зиямуҳамедов, Н. Иногомов, А. Баҳобов, телеоператорлар — К. Мақсудхўжаев, Т. Мирзараҳимов, Т. Қурбонов, видеога ёзиш инженерлари — Г. Нўъмонов, Ф. Ҳошимов, диктор — Ю. Федотов).

Бир қатор видеофильмлар яратиб, тажриба орттирган истеъдодли режиссёр М. Маҳкамов бу гал ҳам ижодга ижлос ва масъулият билан ёндашган. Ижодий группага бошчилик қилиб, унинг вазифасини аниқ ва пухта белгилаб олган. Икки халқ ўртасидаги азалий қон-қардошлик алоқалари, озарбайжон халқининг бой ва такрорланмас санъати, ўзбек элига меҳмон бўлиб келган санъаткорларнинг юксак ижрочилик маҳоратини томошабинларга етказишда телевизион ифода воситаларидан унумли фойдаланган.

Видеофильм қардош халқ вакилларини Тошкент аэропортида шодиёна кутиб олиниши кадрлари билан бошланади. Меҳмонларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов қизғин табриклади. Кутиб олиш маросими дўстлик митингига айланиб кетди. Декада қатнашчиларини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қабул қилди. «Анъанага айланиб қолган адабиёт ва санъат декадалари,— деди у,— СССР халқлари дўстлигини мустаҳкамлашга, миллий маданиятларнинг яқинлашиши ўзаро бойиши учун хизмат қилаётир. Ўзбекистонда ўтадиган Озарбайжон адабиёти ва санъати кунлари ога-ини халқлар дўстлигининг тантанасига айланади». Меҳмонлар пойтахтимизнинг марказий майдонида, улуғ Ленин ҳайкали ҳамда Номаълум солдат қабри ёнига гулчамбарлар қўйдилар. «Дўстлик боғи»га яхши ният билан кўчат ўтказдилар.

Алишер Навоий номидаги опера ва балет академик Катта театрида декаданинг очилиш маросими бўлди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Ҳулойбердиев Озарбайжон ССР Маданият министри Э. Н. Багиров ёркин ва мазмунли нутқ сўзладилар. Озарбайжон ва ўзбек халқларининг дўстлигини тараннум этувчи дилбар қўшиқ, рақс ва куйлар янгради. Меҳмонлар Низомийнинг тупроғидан Навоийнинг авлодларига хуш-эҳтиром, қалбдан салом келтирганликларини изҳор қилдилар.

Декада кунлари Тошкентда «Совет Озарбайжони бугун» деб аталган фотокўргазма, декоратив санъат, бошлар расмлари, тасвирий санъат, озарбайжондаги олтита нашриёт маҳсулотлари қўйилган китоб кўргазмалари очилди. Уларни минг-минглаб кишилар келиб кўрдилар. Кўргазма экспонатларини республикамизнинг раҳбар арбоблари ҳам диққат билан кўздан кечирдилар. Меҳмонлар ихтиёрига санъат компоналари, маданият масканлари берилди. Чкалов номидаги авиация бирлашмаси, тўқимачилик комбинати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларида декада қатнашчилари билан унутилмас учрашувлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясида меҳмонларга ўзбек олимларининг муваффақиятлари ҳақида сўзлаб берилди.

Озарбайжон маданияти адабиёт қисмининг очилишида дўстлик мушоирасини таниқли адиблар К. Яшин ва И. Қосумовлар бошлаб бердилар. Санъат саройида Озарбайжонда ишлаб чиқилган энг яхши фильмлар фестивали бошланди.


Адабиёт ва санъат декадаси республикамизнинг барча областлари ва Қорақалпоғистон Автоном республикасида муваффақият билан давом этди. Декада қатнашчилари Сирдарё ва Жиззах пахтакорлари, Талдимаржон сув омбори қурувчилари, Чирчиқ ишчилари, Сурхондарё боғбонлари ҳузурида бўлдилар. Видеофильмда синхрон ёзиб олинган қисқа интервьюлар мойирлик билан монтаж қилинган. Озарбайжоннинг таниқли маданият арбоблари Бадирбейли, И. Қосумов, З. Хонларова, Х. Ризо, Ш. Ализода, С. Гаджимова, М. Иброҳимов декада таассуротлари ҳақида сўзлаб берганлар. И. Қосумов, М. Иброҳимовларнинг Чирчиқ ва Самарқанд шаҳарларининг фахрий гражданлари қилиб сайланишлари, кўпминг кишилик дўстлик митинглари бир умр томошабинлар қалбида сақланиб қолади. Фильм ижодкорлари унинг бадиий эстетик томонларига асосий эътиборни қаратиб тўғри иш қилганлар. Телетомошабинларга СССР халқ артистлари Р. Бейбутов, М. Магомаев, Озарбайжон ва Арманистон халқ артисти З. Хонларова каби хонандалар, турли ансамбларнинг юксак ижрочилик маҳорати ҳақида тўлиқроқ таассурот беришга интилганлар.

Декада кунлари шоир Х. Ризо яратган ўзбек пахтакорларига бағишланган поэтик асар, М. Дилбозий «Бахор» қизлари учун саҳналаштирган озарбайжонча рақс, СССР халқ артисти Г. Измайлова озарбайжон рақсосалари учун намойиш этган ўзбекча рақс декадасининг илк самараси бўлди. Унинг ўнлаб ижодкорлар учун илҳом манбаи бўлиши турган гап. Видеофильм «Зангори экран» мухлисларини қалбида илиқ таассурот қолдирди. У Озарбайжон телевидениеси орқали ҳам намойиш қилиб кўрсатилди. Видеофильм муаллифларини бу ижодий муваффақиятлари билан табриклаймиз.

Анвар КАРИМОВ.

Реклама ва эълонлар

ҲАВОНИ ЎЗИНГИЗ ЯРАТАСИЗ



Кўчада жазирама, сизнинг хонангизда эса ёқимли салқин! Сиз кондиционерни ишга туширдингиз, у эса хонангизда микроиқлим яратишга улгурди, иссиқни 8—10 даража пасайтирди. Сиз истагандек салқин бўлди, бундай салқин ишда ҳам, дам олишда ҳам кишига роҳат бахш этади. Ҳатто кўчада симоб устуни 30 даражани кўрсатганда ҳам Сиз ўзингизни бардам, енгил, соғлом, ҳис этасиз.

БК-1500 кондиционери ёрдамида 24 кв. метр ҳажмдаги хонада истаган ҳароратни, БК-2500 кондиционери ёрдамида эса — 35 кв. метрли хонада шундай ҳавони ҳосил қилишингиз мумкин.

Кондиционерлар 220 вольт кучланишли ўзгарувчан ток тармоғида ишлайди.

Баҳоси: «БК-1500» — 430 сўм, «БК-2500» — 560 сўм.

Боку заводида ишлаб чиқарилган кондиционерлар давлат Сифат белгисига сазовор бўлди.

Кондиционерларни электр товарлари магазинларидан олиш мумкин.

ТЕЛЕПРЕССТОРГРЕКЛАМА.

МИЛИЦИОНЕР ЖАСОРАТИ

ҚОТИЛЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Ангрен автовокзали тўсатдан тўс-тўполон бўлиб кетди. Милиция сержанти М. Шодиев ва кичик сержант А. Турсуновлар кутиш залига кириб келишганда маст бир одам қўлида тўппончасини ошхона ходимларига ўқталиб турарди. Қотиллик юз беришига оз қолган эди.

Зудлик билан уни қуролсизлантириш керак! — деди М. Шодиев ҳамроҳига. — Сен ён томондан айланиб ўт, мен рўпарадан бораман. Ниҳоятда қалтис дақиқалар... Икки милиция ходими дадил ҳаракат қилишди. Аммо тўппонча ушлаган киши М. Шодиевни пайқаб қолиб, дарҳол қуролини унга ўқталди. Моҳир спортчи М. Шодиев бу пайтда эсанкираб қолмади, ўз ҳаётини хавф остида қолдирса-да, жиноятчига дадил ташланди. Кучли зарбдан тўппонча учиб кетди. Бошқа томондан етиб келган А. Турсунов унинг қўлини орқага қайириб олди. Жиноятнинг олди олинди. Автовокзалда маст ҳолда қотилликка қўл урмоқчи бўлган бу кимса Ангрен керамика комбинатининг қоровули Эшбой Ўролов эди. У иш пайтида ичиб олиб, яна ароқ келтириш учун автовокзал ошхонасига борган экан.

Ўз хизмат постида доим хушёр ва жиноятчини қуролсизлантиришда кўрсатган жасорати учун область ички ишлар бошқармаси Ангрен шаҳар ички ишлар бўлимининг ходимлари сержант М. Шодиев ва кичик сержант А. Турсуновларни қимматбаҳо совғалар билан мукофотлашди. Бу икки йигит милиция бўлимида шаҳар комсомол комитетининг йўлланмаси билан хизмат қилишяпти.

Р. ШОДИЕВ,
область ички ишлар бошқармаси сиёсий-тарбиявий ишлар бўлимининг инструктори.

ТАРАДДУД

Республикамиз киночилари айни кунларда ўзларининг анъанавий байрамларига қизғин ҳозирлик кўраяптилар. Совет киноси кунида улар ўзлари босиб ўтган шонли йўлга назар ташлайдилар, кейинги йилларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳисоб берадилар.

Анъанавий байрамни муносиб кутиб олиш учун Қ. Ерматов номли «Ўзбекфильм», илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиялари, республика кинопрокати ва Ўзбекистон кино санъати музейи ходимлари биргаликда Тошкент шаҳридаги энг гўзал хиёбонлардан бири — Тельман номли маданият ва истироҳат боғида катта кўргазма ташкил қиладилар.

Ўзбекистон ССР Давлат кинематография комитетида бўлиб ўтган йиғилишда ана шу масала муҳокама қилинди.

Тошкент метросининг Ҳ. Олимжон номли станциясида ҳар бир кишининг кўзи беихтиёр катта полотнолардаги расмларга тушади. Тельман номли боққа етакловчи кўчанинг икки томонига ўрнатилган «Дўстлик оиласида» мавзуидаги расм ва плакатларда эса қардош республикаларнинг энг яхши фильмларидан кадрлар кўриниб туради. Истироҳат боғида «Съездлан-съездгача» мавзуида кўргазма очилиб, унда 1976—80 йилларда экранда чиқарилган фильмлардан кадрлар акс эттирилади.

Шунингдек, «Доҳий В. И. Ленин образи экранда», «Йиллар ва фильмлар» мавзуларида ҳам фотокўргазмалар ташкил этилади.

Хиёбон узра ўзбек кинофильмларидан олинган куй ва қўшиқлар янграб туради. Богдаги кинотеатрда ҳали экран юзини кўрмаган фильмлар намойиш қилинади.

Киночилар кунига қизғин тараддуд кўрилаяпти. Шакшубҳа йўққи, бу анъанавий байрам фақат пойтахтимизда эмас, областимизнинг шаҳар ва районларида ҳам ана шундай сермазмун ва хушчақчақ ўтади.

Э. ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон кино санъати музейининг директори.



САҲИН ДИЕРИМНИНГ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ.

А. Абалян фотоэтюди.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
СССР 50-йиллиги номли Тошкент трактор заводи базасидаги

ТОШКЕНТ ШАҲАР 176-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

автослесарь (электрокара ҳайдовчиси ихтисоси билан). Ўқишни битиргач ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади. Ётоқхона берилмайди; **электромеханик, электр-газ пайвандчи, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь-механик, техника контроли бўлими контролёри.** Фақат қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 3 йил; **универсал фрезерчи.** Ўқиш муддати — 1 ва 3 йил; **сиқилқловчи.** Ўқиш муддати — 1 йил. Стипендия тўланади; **электр кўприкли кранларнинг машинисти.** Ўқиш муддати 1 ва 3 йил. Асосан қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати 1 йиллик группаларда стипендия тўланади; **пресслаш ускуналари операторн** (прессчи). Ўқиш муддати — 1 йил. Стипендия тўланади; **синовчи-тракторчи** (механика-йигув ишлари слесари малакаси билан — ўқишни битиргач ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади). Ўқиш муддати — 1 йил; **темирчи.** Ўқиш муддати — 1 йил. Стипендия тўланади; **электр пайвандчи.** Ўқиш муддати — 1 йил; **универсал токарь.** Ўқиш муддати — 1 ва 3 йил; **дурадгор.** Ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини битирганлар тўлиқ ўрта маълумот ва ихтисос тўғрисида диплом оладилар ҳамда олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош, махсус иш кийими, эҳтиёжи бўлганлар секция типидаги ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқиш даврида ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикасидаги иш ҳақининг бир қисми берилади.

Билим юртида яхши жиҳозланган ўқув кабинетлари, устахоналар, спорт зали, бассейн бор. 6 тўгарак ва 11 спорт секцияси ишлайди. Эстрада, духовой ва миллий ансамбллар бор. Ёзги каникул даврида дам олиш учун Чорвоқ сув омбори районида спорт-соғломлаштириш лагери мавжуд.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, автобиография, тугилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида ҳужжат, турар-жойидан, ота-онасининг иш жойидан ва 286-формадаги медицина справкалари, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат, характеристика.

Аризалар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Машғулотлар — 1 сентябрда бошланади.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700117, Тошкент шаҳри, 1-Ташавтомаш массиви.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● **ВЕЛОПОИГА.** Пойгачиларнинг республика биринчилиги учун ўтказилган мусобақалари тўлиқ пойтахт области спортчиларининг устунлигида ўтди. Жумладан, 90 километрга бўлган баҳсда вакилимиз Андрей Посмитний икки соат, 6 минут 11 секунд вақт сарфлаб, республика чемпиони бўлди. Умумкоманда ҳисобида эса Тошкент область вакиллари биринчи, намангликлар иккинчи, андижонликлар учинчи ўринни эгаллашди.

● **ЕНГИЛ АТЛЕТИКА.** Бутуниттифоқ «Буревестник» жамияти биринчилиги учун енгил атлетика мусобақалари Харьков шаҳрида ниҳоясига етди. Совриндорлар орасида ҳамшаҳарларимиз ҳам бор. Жумладан, 100 метрга югуриш бахсида Петр Воробьёв 10,3 секунд натижа кўрсатди. Найза улоқтиришда эса Татьяна Бирюлина 61 метру 86 сантиметр натижа билан голиб бўлди.

● **ФУТБОЛ.** Қисқа танаффусдан сўнг мамлакат футбол чемпионатининг олий лига командалари иккинчи девра ўйинларини бошлаб юборишди. Кеча 7 учрашув бўлиб ўтди. Бир кун аввал эса турнирда сўнгги ўринни эгаллаб келаётган Львовнинг «Карпати» командаси пойтахт автозаводчиларини қабул қилиб, 0:4 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Биринчи лига командалари бахсида эса Жиззах футболчилари яна мағлубиятга учрадилар. «Металлург»— «Бўстон» бахсида 2:0 ҳисоби қайд қилинди.

● **ЧИМ УСТИДА ХОККЕЙ.** Мамлакат чемпиони «Андижанка» хоккейчи қизлари навбатдаги учрашувларни Шяуляй шаҳрида маҳаллий «Таурас» командаси билан ўтказишди. Биринчи учрашув натижасиз дуранг билан тугади. Иккинчи ўйинда эса 2:0 ҳисоби билан ўзбек қизларининг қўллари баланд келди.

● **ШАХМАТ.** Тошкентдаги шахмат-шашка клубида «Ёш ленинчи» газетаси совғаси учун очиқ мусобақалар давом этяпти. 8-тур ўйинларидан сўнг куйбишевлик А. Стрельников пешқадамлик қилаётир. Тошкентлик Н. Айдаров ва А. Василенколар 6,5 тадан очко тўплаб, учинчи ўринда боришяпти.

МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

ЦИРК

Тошкент Давлат циркида «Интерцирк-80» гастроллари муваффақиятли давом этаётир. Унда Болгария, Чехословакия, Германия Демократик Республикаси, Монголия, Руминия ва Совет Иттифоқи цирк санъати усталари иштирокида халқаро программа намойиш этилмоқда.

Бизнинг юксак тараққиёт ва атом асримизда томошабинни ҳайратга солиш осон гап эмас. Шунга қарамай, халқаро программа устида иш олиб борган санъаткорлар республикамиз пойтахти томошабинларига чиндан ҳам ажойиб совға тақдим этишяпти. Ранг-баранг жанрлардан ташкил топган программа цирк аренасида қардош халқлар дўстлигини ва интернационализмни тараннум қилмоқда.

...Болгария Халқ Республикасининг бир группа акробатлари жаҳон цирк устаси Борисов Трифон Иванов бошчилигида «Партер узра парвоз» номерини намойиш қилишяпти. Бу мураккаб номер баландлиги уч метр келадиган махсус аппаратда бажарилади.

Венгер гимнастлари Аги ва Янош Мазан чиқишлари, ГДРлик Сванте ва Хорст Байсхайтлар ижросидаги ўргатилган итлар томошаси ҳам тошкентликларда катта таассурот қолдиряпти. Умуман ҳайвон ўргатиш Германия Демократик Республикасида яхши ривожланган. Дўстларимизнинг йиртқич ҳайвонлар иштирокидаги аттракционларини бизнинг томошабинлар яхши эслашса керак. Бу сафар улар ўргатилган хонаки ҳайвонлар билан келишибди.

Монголия Халқ Республикасида ҳизмат кўрсатган артист Цэндэюшанинг иллюзия номерига навбат келганда цирк аренасида қадимий шарқ афсоналари гўё жонланаётгандек бўлади. Ҳар бир ҳатти-ҳаракатга диққат билан ва узоқ тайёргарлик кўрилади. Артист ёрдамчилари кетма-кет афсона қаҳрамонларини акс эттира бошлайдилар.

Минг марта эшитгандан бир марта кўрган маъқулроқ. Газета мақоласида «Интерцирк-80» томошаларини тўла айтиб бериш қийин. Шу боисдан яхшиси цирк қатнашчилари билан бўлган суҳбатни эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

И. АБОЛОНСКИЙ, «Союзгосцирк» вакили:

— Тошкентга келган қардош мамлакатлар цирк усталарининг халқаро ҳамкорлиги кейинги йилларда анъанага айланиб бормоқда. Тез-тез учрашиб, биргаликда томоша бериш фақат томошабинлар учунгина эмас, цирк санъаткорларининг ўзлари учун ҳам кувончли ҳамда фойдали бўлмоқда. Ўзаро тажриба алмашиш, ўрганиш, ўргатиш яхши самара беряпти.

Бенике ЖОРЖ, Руминия:

— Мен бизни жуда илиқ қарши олган Тошкент ва унинг аҳолиси ҳақида гапиримоқчиман. Авваллари ҳам ўзбек халқининг меҳмондўстлиги тўғрисида кўп эшитган эдим. Энди эса биринчи бор ўз кўзим билан кўриб турибман. Айниқса, айни пишиқчилик пайтида республикангизга сафар қилганлигимиз янада қувончли бўлди. Ўзбекистоннинг барча ноз-неъматларидан тотиб кўрмоқдамиз. Томошабинлар ҳам жуда ажойиб. Ҳар бир номеримизни алоҳида диққат билан кўрмоқдалар. Меҳрибон ва талабчан тошкентлик томошабинларнинг олдида ҳисоб бериш биздан алоҳида масъулият талаб қиляпти.

— Менга Тошкент метроси жуда ёқди, — суҳбатга қўшилди монголиялик Цэндэюша. — Жуда кўп мамлакатларда бўлиб, кўп метроларни кўрганман. Улар орасида сизнинг ер ости қасрингиз алоҳида ўрин тутади. Умуман, Тошкент жуда гўзал шаҳар. Бу тўғрида, албатта, Монголияга қайтганимда гапириб бераман.

...Томоша давом этмоқда. Кетма-кет аренада қардошларимиз ўз санъатларини намоён қилишяпти. Улар орасида Арманистонда хизмат кўрсатган артист В. Меликжанян ҳамда В. Плашинскийлар ижросидаги масхарабозлик номерлари айниқса томошабинлар эътиборини қозонмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Масхарабозларнинг ҳар бир чиқишлари программанинг энг яхши ва энг қизиқарли номери бўлиб ҳисобланяпти. В. Гусев дирижёрлигидаги оркестр ҳам «Интерцирк-80» томошалари унутилмас бўлиб қолишига хизмат қиляпти.

Халқаро цирк программаси сентябргача давом этади. Ҳар куни Тошкент Давлат циркига келаётган томошабинларнинг кети узилмайди. Бу «Интерцирк-80»нинг катта муваффақият қозонганлигининг ёркин далилидир.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горнчилар қаердасиз! 10.35 — Уч қувноқ смена. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-фильм. 11.40 — Шимолий рус халқ Давлат академик хорининг концерти. 12.10 — Ҳужжатли фильмлар Марказий студиясининг ҳужжатли фильмлари. 12.40 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари. 16.20 — Б. Васильев. Асарлари саҳифаларида. 17.10 — Шахмат мактаби. 17.40 —Классик куйлардан концерт. 18.10 — Телеочерк. 18.55 — Олимпиада-80. 22 июль кинокундалиги. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари. 19.45 — Добруджан Давлат ашула ва рақс халқ ансамблининг концерти. 20.25 — Алвон дала. Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли экран. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Ф. Лист асарларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Горностаева ижро этади (фортепьяно).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Телевизион ҳужжатли фильм. 11.50 — Қувноқлар даврасида. 12.25 — Телевизион новеллалар театри. 12.55 — Болалар учун фильм. 13.10 — Ганг дарёси устида қуёш. Бадиий фильм. 2-серия. 18.20 — Кутилмаган Мишка ҳақида. Кўғирчоқ фильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Ёзувчилар пахта далаларида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ноз-неъмат бунёдкори. 20.00 — Ёшлар кўрсатади. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — А. Навоий номли Давлат академик Катта театрининг 50 йиллигига.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Болалар учун фильм. 20.45 — Врач маслаҳати. 21.00 — Фильм-портрет. 22.00 — Фильм-балет. 22.00 — Аннички. Бадиий фильм.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 333885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334803, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 02137. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1667.